



O'ZBEKISTON O'VOZI

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

2016-yil, 1-dekabr. Payshanba • 143 (32.202)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти САЙЛОВИГА



3

Кун қолди!

ШХТ КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШХТ) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш бўйича миссияси кузатувчилари 2016 йил 30 ноябрь кuni мамлакатимизга келди. Унга ШХТ Бош котиби Рашид Алимов раҳбарлик қилмоқда.

ШХТ миссияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Президент сайловига халқаро кузатувчилар тақлиф этилишини уни демократик тамойиллар асосида, очик ва ошқора ўтказишга бўлган интилишнинг яққол ифодаси, деб баҳолайди.

Миссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Президент ва парламент сайловларида, референдумларда ШХТ кузатувчилар миссияси тўғрисидаги низом асосида сиёсий бетарафлик ва давлатнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилларига риоя қилган ҳолда амалга оширади.

Унинг таркибига ШХТга аъзо давлатларнинг қонун чиқарувчи, ижро ва сайлов органлари, шунингдек, ШХТ котибиятининг 20 нафар вакили киритилган. Улар ўз фаолияти давомида иложи борича кўпроқ сайлов участкаларига ташриф буюришни режалаштирмоқда.

Миссия Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ташки ишлар вазирлиги, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига учрашувлар ўтказди. Сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, халқаро ташкилотлар миссиялари аъзолари, хорижий мамлакатлар кузатувчилари билан мулоқотлар ўтказишни режалаштирган.

ШХТда сайловларни кузатиш соҳасида катта тажриба тўпланган. Бу борада ташкилотда 2004 йилдан буюн 37 миссия шакллантирилган бўлиб, уларнинг 5 таси мамлакатимизда иш олиб борган.

Шу кун Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов ШХТ кузатувчилар миссияси раҳбари Р.Алимов билан учрашди.

Мулоқот чоғида миссия раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш доирасида амалга оширилаётган ишлар билан атофлича таништирилди.

Таъкидланганидек, сайловга тайёргарлик ишлари сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, очик ва ошқора олиб борилмоқда.

Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири.

Фуқаролик бурчи

Ўзбекистон ХДП «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши «Сайловда фаол иштирок этиш — менинг фуқаролик бурчим» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Тадбирда таъкидландики, мустақиллик йилларида мамлакатимизда сиёсий-ҳуқуқий тизимлар изчил, босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида ҳуқуқий давлат асослари янада мустаҳкамланди. Бу жараёнда демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди.

Тадбирда сайловда илк бор иштирок этаётган ёшлар сайлов қонун-қоидалари билан таъминланган, уларга сайлов кампанияси жараёнида атофлича тушунча берилди. Шу билан бирга, овоз бериш тартиби, сайловчиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, бу жараёнда ёшларнинг иштирокини кенгайтириш масалалари ҳақида фикр юритилди.

Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга атофлича жавоб олишди. 4 декабрь кун бўлиб ўтадиган сайловда албатта иштирок этишларини таъкидлашди.

Мухаббат АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон ХДП «Ёшлик» талабалар
шаҳарчаси кенгаши раиси.

Қадрли ҳамюртлар, азиз партиядошлар!
Унутманг, жонажон Ўзбекистонимиз равнақи,
халқимизнинг фаровон келажаги Президент сайловидаги
иштирокингиз ва овозингизга боғлиқдир!
Конституциявий ҳуқуқингиздан фойдаланиб, мамлакат
раҳбарини сайлашда ўз хоҳиш-иродангизни билдингиз!
Тинчлигимиз, тараққиётимиз учун овоз беринг!

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҲОЯЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНГ!



БАНДЛИК — ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ ЭНГ МАҚБУЛ ЙўЛИ

Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов сирдарёлик
сайловчилар билан учрашди

2

Мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ҳам саноқли кунлар қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Хатамжон Кетмонов ва унинг ишончли вакиллари томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сайловчилар

билан ўтказилаётган учрашувлар самимий руҳда, фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтмоқда. Учрашувларда сайловчилар Президент сайлови, унинг мамлакатимиз келгуси тараққиётидаги аҳамияти, шунингдек, номзодимизнинг Сайловдаги дастурида илгари сурилган ғоялар ва ҳаётий ташаббуслар ҳақида эркин муносабат билдиришмоқда, хайрихоҳлик кўрсатишмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ҚУДРАТИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

Айниқса, иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишга қаратилган қатор тақлифлар сайловчилар эътиборини тортмоқда.

Дарҳақиқат, дастурнинг иқтисодий сиёсатдаги асосий устувор вазифаларга қаратилган қисмида давлатимизнинг

молиявий-иқтисодий қудратини янада оширишни кучли ижтимоий сиёсат билан уйғунлаштириш, шу орқали аҳолининг, хусусан, унинг эҳтиёжманд катламларининг турмуш даражасини яхшилашга оид муҳим масалалар ўрин олган.

Маълумки, сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор мунтазам ошиб бормоқда. Пировардида «янгиласи» бизнесни қўллаб-қувватлаш мезони бўйича мамлакатимиз айна пайтда жаҳонда 42-ўринни,

Давоми 3-бетда.

«PRESS KLUB: Saylov.uz — 2016» ОЧИЛДИ

Пойтахтимиздаги «International Hotel Tashkent» меҳмонхонасида 30 ноябрь кун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича «Press klub: Saylov.uz — 2016» пресс-клубининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, сайловни кузатиш учун мамлакатимизга келган халқаро кузатувчилар, етакчи экспертлар, маҳаллий ва хорижий журналистлар иштирок этди.



Барча сайлов участкаларида овоз бериш соат 6:00 дан - 20:00 га қадар давом этади.

ЗАМОНАВИЙ САЙЛОВ ТИЗИМИ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш учун хорижий журналистлар, сайлов жараёнини кузатиш мақсадида халқаро кузатувчилар келмоқда.

ЎЗА мухбири уларнинг айримлари билан мамлакатимиз сайлов тизими, Президент сайловига тайёргарлик жараёни ҳақида суҳбатлашди.

Николай ЛЕВИЧЕВ, Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси аъзоси:

— Дунёнинг кўплаб давлатларида сайлов жараёнларини кузатганман. Ўзбекистондаги сиёсий партиялар орасидаги соғлом рақобат муҳити, ўзаро ҳамжихатлик, бирдамлик, сайловда овоз бериш тартиби, улардан фарқли равишда, муайян афзалликларга эга. Сайлов участкасида ташкил этилган тиббиёт хонаси, ота-оналар овоз бераётганда уларнинг фарзандлари она ва бола хоналарида мутахассислар қаровида бўлиши — булар эътиборга молик тажрибалар.

Ўзбекистондаги тинчлик ва осойишталик, барқарорлик ва ҳамжихатлик муҳитига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик тараққий этиб, барча соҳада ривожланишига ишонамиз.

Осман ГҲКМЕН, TRT телеканалнинг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари (Туркия):

— 2005 йилдан буюн Ўзбекистонда фаолият юритаман. Сайлов жараёнларини кузатганман. «Press klub: Saylov.uz — 2016» пресс-клубининг ташкил этилиши хорижий журналистлар, халқаро кузатувчилар, экспертлар ишини янада енгиллаштирди. Қаранг, пресс-клубда бир пайтнинг ўзида қанча телеканал кўрсатувларини кузатиш мумкин. У ҳақиқий ахборот маконига айланган.

Туркия телеканалларида ҳар кун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш, уни кўтаринки руҳда ўтказиш, сайлов участкаларидаги замонавий шарт-шароитлар борасида лавҳалар бериб боришмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган демократик тамойилларнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлади.

Ли ЯОЮАНЯ, Хитойнинг «Szinszi Jibao» газетаси махсус мухбири:

— Ўзбекистон Президенти сайловига 600 га яқин халқаро кузатувчи ва журналистларнинг келаётгани бежиз эмас. Бу мамлакатининг нуфузи йилдан-йилга юксалиб, тараққий этаётганидан, ахборот тизими, медиа соҳаси ривожланиб, иқтисодий юксалаётганидан далолатдир. Биз журналист сифатида Ўзбекистондаги оммавий ахборот воситалари тизимининг мукаммал фаолият юритаётгани, хабарлар тезкор, ишончли, сифатли ташкил этилаётгани, нодавлат теле-радиоканаллари фаоллашганидан хурсандимиз.

Дмитрий ПОВАРОВ, «Россия сегодня» ахборот агентлиги махсус мухбири:

— Ўзбекистонда туризм соҳаси жадал ривож топмоқда. Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг ривожланган, қадимий обидалари, осори-атиқалари, тарихий шаҳарлари билан дунёга машҳур мамлакат саналади. Мен Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида бўлганман. Ўзбекистонда Президент сайлови қонун доирасида ўтишига ишонаман. Сайловда иштирок эта олмайдиган беморлар, кексаларнинг уйларида сайлов қутилари олиб борилиши, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналарида сайлов участкалари тузилгани ҳар бир фуқарога ўз ҳуқуқидан тўла фойдаланиш имконини беради.

ЎЗА мухбири
Азиза ҚИЁСОВА
ёзиб олди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
ҲОЯЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШ

■ Сайловчилар Хатамжон Кетмоновнинг дастурида ҳаётий таклиф
ва ташаббуслар илгари сурилганини қўллаб-қувватлашмоқда



Фототўғриловчи: Ойбек Сўраев

■ ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАҲАЛЛИЙ
КЕНГ АШЛАРИДА

КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Ёшларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши долзарб масалалар. Партияимиз ташкилотлари, «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари бунга алоҳида эътибор қаратиб келяпти.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши томонидан Темурйиллар тарихи давлат музейида ўтказилган «Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш масалалари» мавзусидаги илмий-амалий анжуманида шу ҳақда атрафлича фикр юритилди.



Фототўғриловчи: Ойбек Сўраев

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Тошкент давлат ислом университети, Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон Олимпия қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, «Истиқбол» ва «Фаол аёллар» қанотлари етакчилари, бир гуруҳ иқтидорли ва истеъдодли ёшлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамда тарғиботчилар гуруҳи аъзолари иштирок этди.

«Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонун мазмун-моҳиятини тушунириш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбир самимий мулоқот руҳида, интерфакс усулида ўтказилди.

Ҳожиакбар ЧОТБЕКОВ,
Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши сектор мудири:

— Ҳар биримиз жамият олдидаги бурчимизни чуқур англаб етишимиз зарур. Биз тадбирларимизда имкониятлардан оқилона фойдаланиш йўллари илм-фан, спорт ва бошқа соҳаларда эътиборли ютуқларни қўлга киритган ёшлар мисолида кўрсатиб беришга ҳаракат қилишимиз.

Самимиздаги йигит-қизлар том маънода ёш сиёсатчилар ҳисобланади. Уларнинг ислохотлар, қабул қилинаётган қонунлар ва қарорлар мазмун-моҳиятидан яқиндан хабардор бўлиши — муҳим масала. Демак, жойларда депутатлар, жамоат арбоблари, эл-юрт назаридаги кишилар билан учрашувлар ташкил этиш аҳамиятини янада ривожлантиришимиз керак, деб ўйлайман.

Дониёр САЛИЕВ,
XV Паралимпия ўйинлари голиби:

— Бугун юртимизда яратилган шaroит ва берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланаётган йигит-қизлар нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида ҳам улкан ютуқларга эришяпти. Бу ҳақда деярли ҳар куни бир хушхабар эшитамиз. Демак, бизга кўрсатилган эътибор, ғамхўрлик ўз медалларини берапти.

Болағимиздан спорт билан шугулланаман. Оиламиздаги паралимпия ҳаммаси спортга қизиқади. Бу йил Бразилияда бўлиб ўтган паралимпия ўйинларида узунликка сакраш ҳамда 400 метрга югуриш бўйича 2 та бронза медалини қўлга киритдим. Юртимизда спортга эътибор кучли. Бошқа соҳаларда ҳам имкониятлар эшиги кенг очилди. Тенгдошларимга спортнинг аҳамияти, ютуқларини замирида деб ёшларга берилаётган катта имкониятлар ва ғамхўрлик тургани ҳақида гапириб бердим.

Нигматулла АБДУҚУҚОРОВ,
Зангиота тумани, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли:

— Туманимизда «Истиқбол» ёшлар қанотининг 150 нафардан ортиқ аъзоси бор. Биз уларни гайрат ва изланувчанлик билан ўз устида мунтазам ишлашга, янги ғоя ва лойиҳаларни амалга оширишларига қўмаклашишга доим ҳаракат қиламиз. Қанот аъзолари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар билан ҳамкорликда ишлаб тажриба ортиришди. Ёшларимиз Президент сайлови билан боғлиқ тадбирларда, айниса, фаол қатнашмоқда.

Олдимизда масъулиятли вазифалар турибди. Тенгдошларимизнинг турмуш тарзини, қизиқишларини доимий равишда ўрганишимиз, уларнинг фаоллигини оширишга ёрдам берадиган тадбирларни изчил йўлга қўйишимиз зарур...

Гулрух ОДАШБЕКОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БАНДЛИК — ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ ЭНГ МАҚБУЛ ЙЎЛИ

Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов сирдарёлик сайловчилар билан учрашди

Шу кунларда мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида сайловолди тарғибот ишлари қизғин давом этмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам сайловда фаол ва муносиб иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Сайловчилар, электрорат вакиллари билан ўтказилаётган учрашувларда партиядан Президентликка номзод Хатамжон Кетмоновнинг дастурини, унда белгиланган устувор масалаларни жамоатчиликка етказиш, уларнинг ҳаётий аҳамиятини очиб беришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимизда давлат ва жамиятнинг манзилли ижтимоий муҳофаза ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиш қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим ва соғлиқни сақлаш, суд-ҳуқуқ, уй-жой ва коммунал хизматлар кўрсатиш тизимини янада ислоҳ этишга эътибор қаратади. Партиядан Президентликка номзод Хатамжон Кетмонов дастури айнан мазкур йўналишлардаги устувор ғояларга асосланади. Бу номзоднинг сирдарёлик сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувида ҳам алоҳида эътибор этилди.

Учрашувни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдуғаффор Қирғизбоев очди. Номзоднинг ишончли вакили, халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши депутати Алишер Тошматов Хатамжон Кетмоновнинг фаолияти ҳамда тарҳими ҳоли ҳақида батафсил маълумот берди.

Номзод, аввало, халқимиз ва келажак авлод учун муносиб ҳаёт даражаси ҳамда сифатини таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар самараси Сирдарё вилоятида ҳам ўз ифодасини топаётганини алоҳида таъкидлади. Буюк Ипак йўлида муҳим ўрин тутган бу ҳудуд ўзининг гўзал табияти, меҳнаткаш ва фидойи инсонлари билан доғдур қозongan. Бугунги кунда ушбу вилоят республикамизнинг электр энергетикаси, энгил саноати, озиқ-овқат ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ривожланган ҳудудлардан бири ҳисобланади.

Сирдарё мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг энг истиқболли минтақаларидан бирига айланди. Вилоятда эришилаётган иқтисодий ютуқлар ижтимоий соҳанинг ривожланишига мустақам замин яратмоқда. Хусусан, шахар ва қишлоқлар қиёфаси, одамларнинг яшаш шaroитлари тубдан яхшиланимқда. Қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида гапирганда, албатта, ўзгариш ва янгиланишларда фаол иштирок этиб келаётган вилоят халқининг меҳнаткашлиги, тадбиркорлиги, фидойилиги ва жонқуярлигини алоҳида эътибор этиш лозим, деди Хатамжон Кетмонов.

Учрашувда номзод мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши лозимлигини таъкидлади. Бунда аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, иш билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Одамларнинг муносиб иш ўрнига эга бўлиши жамиятда ижтимоий барқарорлигини таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигига кенг йўл очилиши кайд этди.

— Бизнинг ғоялар мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга, халқимиз турмушини фаровонлаштиришга йўналтирилган, — деди у. — Давлат ва жамият томонидан

Самимий мулоқот руҳида, эркин савол-жавоблар асосида ўтган учрашувда сайловчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Сўзга чиққанлар Ўзбекистон ХДПдан Президентликка номзоднинг Сайловолди дастурида белгиланган мақсадлар, илгари сурилган ғоя ва таклифларнинг ҳаётийлигини эътибор этишди.

Махмуд АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон ХДП Сирдарё туман кенгаши раиси:

— Дастурда ижтимоий ҳимоя масалаларига алоҳида эътибор қаратилганини қўллаб-қувватлаймиз. Боиси унда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий масалаларга эътибор қаратиш лозим. Жумладан, аҳоли турмуш даражасини яхшилашнинг энг муҳим шарти — уларни муҳим иш жойи билан таъминлашдан иборатдир. Мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга касб танлаш, таълим олиш ҳамда ўқув муассасаларини битиргач, иш ўрнига эга бўлиши учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шaroитларни яратиш энг муҳим масалалардир.

Ҳар йили мамлакатимизда ярим миллионга яқин йигит-қиз касб-хунар коллежларини тамомлайди. Маълумки, юртимиз аҳолиси ва ҳаракатдаги «коллек-корхона» алоқаларини изчил йўлга қўйиш керак.

Тўғриси айтиш керак, айрим хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятида иш ўринлари сонини ҳақидаги статистик маълумотларни асоссиз равишда ошириб кўрсатишдек салбий ҳолатлар учраб турибди. Номзодимиз илгари сурган ушбу таклиф бу борада учраётган хато ва камчиликларни бартараф этишда муҳим ўрин тутди, деб ўйлайман.

Норой ДЎСТМУРОДОВА,
Гулистон шаҳридаги «Дўстлик» қишлоқ врачлик пункти шифокори, халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгаши депутати:

— Хатамжон Кетмоновнинг Сайловолди дастуридаги юқори сифатли ва мақбул тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини

кенгайтириш масалаларига эътиборини қаратмоқчиман. Касбимдан келиб чиқиб, дастурдаги тиббий соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган ғоялар билан яқиндан танишдим. Аҳоли, айниса, олис қишлоқ ҳудудларида бирламчи тиббий ёрдамдан қулай ва тез фойдаланиш имкониятини таъминловчи қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш таклифи жуда тўғри, деб ҳисоблайман. Негаки базис қишлоқларда тиббий хизмат ҳали ҳам кўнглидагидек эмас. Ҳаммамиз иссиқ жонимиз, ҳаётда қутилмаган ҳодисалар ҳам бўлиши мумкин. Шундай пайтлар бўладики, кимгадир шовилинч тиббий хизмат кўрсатиш керак бўлади. Демак, қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини кенгайтириш, ҳар бир ҳудудда уларнинг фаолиятини тизимли йўлга қўйиш долзарб масала.

Дастурда фармацевтика корхоналари ва дорихона муассасалари фаолияти, дори-дармон воситалари нархи устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, дори воситалари рекламасини чеклаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Буларнинг ҳаммаси жуда муҳим масалалардир.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Номзод Сайловолди
дастурида, аввало, мамлакатимизда иш ўринлари ташкил этиш ва меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган мақсадли чораларни қўллаб-қувватлаш, бандлик соҳасидаги сиёсатни янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бу бизга ҳар томонлама маъқул бўлди.

ишчи кучи ресурси таркибида ёшлар катта қисмини ташкил қилади. Буни ҳар йили меҳнат бозори-га кириб келаётган йигит-қизлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Номзодимиз фикрича, уларни иш билан таъминлашда корхона ва иш берувчиларнинг тегишли ҳудудлардаги касб-хунар коллежларига билим-таълим ҳамда мунтазам



Уларни иш билан таъминлаш кенгайтириб бўлмайдиган масалалардир. Бу борада қатор таклифлар илгари сурилмоқда. Масалан, коллеж битирувчиларининг яқка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун мақбул шaroитлар яратиш мақсадида имтиёзли микрокредитлар ажратиш амалиётини кенгайтириш керак. Ўз бизнесини очишда белгиланган йигимлардан, фаолиятини тўлиқ йўлга қўйишга қадар солиқлардан озод қилиш муддатини узайтириш мақсадида мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

Ёшлар билан суҳбатларда бир нарсаси гувоҳ бўлганман. Ишлаб чиқаришнинг қайсидаги турида иш бошлаш ниятида юрган йигит-қизлар жуда кўп. Ҳозир уларни қўллаб-қувватласак, керакли маблағ билан таъминланишига қўмаклашсак, ҳуқуқий маслаҳат бериб, фаолиятини бошлашга ёрдам берсак, бу уларнинг ўзига ишончли ортишига хизмат қилади. Бу борада белгиланган йигимлардан озод қилиш муддатини узайтириш масаласини ҳам чуқурроқ ўйлаб кўрсак, улар кўрқмасдан ўз бизнесини бошлайди.

— Бизнинг ғоялар мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга, халқимиз турмушини фаровонлаштиришга йўналтирилган, — деди у. — Давлат ва жамият томонидан

БИЗНИНГ НОМЗОДГА
ОВОЗ БЕРИНГ!

■Еврокод нормалари ва қондасини ўзлаштирмасдан туриб, қурилиш соҳасининг жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини таъминлаб бўлмайди.

ЎЗБЕКИСТОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ
ҚУДРАТИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

Эътироф этиш жоиз, бу борадаги ислохотлар натижасида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етди ёки 1,8 баробар ошди. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолининг 77 фоиздан ортиги мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда.

Аммо эришилган натижа билан чегараланмасдан, замон талаблари ҳамда ички имкониятлар асосида янги ёндашувларни жорий этиш, шу орқали ютуқлар асосини янада мустаҳкамлаш мумкин.

Бу борада номзод илгари сураётган маҳаллий хомашё ва материалларни қайта ишлаш корхоналарининг ички ва ташқи бозорда рақобатбардош, юқори қўшимча қийматга эга истеъмол товарлари ишлаб чиқаришини молиявий ва иқтисодий рағбатлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Зеро, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш бир қатор муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларнинг параллел бажарилишини таъминлайди. Хусусан, бугунги кунда доимий иш билан банд бўлмаган аҳоли сонидан келиб чиқадиган бўлса, меҳнат ресурслари борада муаммо мавжуд эмаслигига амин бўламиз.

Таъкидлаш жоизки, қурилиш соҳасида яратилган 1 иш ўрни турдош соҳалардаги 8 дан 12 гача янги иш ўрни яратиш имконини бериши билан, айниқса, аҳамиятлидир.

2015 йилда мамлакатимизда қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди. Бугун биз босиб ўтган, олдимизда турган улкан ва масъулиятли йўлга боқиб, ишонч билан айтиш мумкинки, айнан қурилиш соҳаси истиқболда миллий иқтисодиётимизнинг муҳим бўлишига айланиб боради. Зотан, қурилиш соҳасининг ривожланиши қурилиш материаллари тайёрлаш ҳамда бу борада хизмат кўрсатиш саноатининг ривожланишини ўзидан акс эттиради. Жаҳон миқёсида ҳам сўнгги йилларда мазкур соҳаларда тадрижий ривожланиш кузатишмоқда.

Демак, ўсиб бораётган талабдан келиб чиқиб, халқаро миқёсда рақобатлаша олиш имконини берувчи миллий қурилиш соҳасини ривожлантириш вазифаси истиқболдаги иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш омиллидир.

◀ Давоми. Бошланғич 1-бета.

Бундан ташқари, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши ва янги иш ўринлари яратишнинг муҳим омилли сифатида қурилиш соҳасини модернизация қилиш, қурилиш ташкилотларини кенг ривожлантириш, замон талабига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш, техник воситалар билан таъминланиши айтиш мумкин. Ҳусусан, бугунги кунда доимий иш билан банд бўлмаган аҳоли сонидан келиб чиқадиган бўлса, меҳнат ресурслари борада муаммо мавжуд эмаслигига амин бўламиз.

Бундан ташқари, иқтисодиётнинг жадал ривожланиши ва янги иш ўринлари яратишнинг муҳим омилли сифатида қурилиш соҳасини модернизация қилиш, қурилиш ташкилотларини кенг ривожлантириш, замон талабига жавоб берадиган мутахассислар тайёрлаш, техник воситалар билан таъминланиши айтиш мумкин. Ҳусусан, бугунги кунда доимий иш билан банд бўлмаган аҳоли сонидан келиб чиқадиган бўлса, меҳнат ресурслари борада муаммо мавжуд эмаслигига амин бўламиз.

Албатта, мазкур вазифаларни бажариш мустаҳкам молиявий асосларни назарда тутати. Шундан келиб

Яқин 15-20 йил ичида Ўзбекистон навбатдаги демографик ўтиш билан тўқнаш келади — умумий аҳоли сонидан меҳнатга лойиқлаштирилган улуши тахминан 65 фоизни ташкил қилади. Жами аҳолининг фаровонлик даражаси, шунингдек мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳамда сиёсий барқарорлиги айнан мана шу қатламга тегишли аҳолининг иш билан таъминланганлик даражасига боғлиқ бўлади.

чиққан ҳолда, бир қанча ёчимлар борада ҳам ўрганишлар олиб борилади. Шунга қўра, қурилиш соҳасида ҳам кичик ва (истикболда) ўрта корхоналарни имтиёзли кредитлаш тизимини ўзидан акс эттирувчи чора-тадбирлар дастури яратилиши зарур. Зеро, соҳа ҳодимларининг катта қисми айнан мана шундай корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Бундай корхоналарнинг ўзаро соғлом рақобати ҳам ривожланишнинг муҳим асосини яратди. Қолаверса, айрим давлатлар таърифида кўрсатиб турибдики, давлат фақатгина йирик корхоналарни қўллаб-қувватлаш

йўлидан бориши ҳар доим ҳам ижобий натижага олиб келавермайди.

Қурилиш ташкилотларининг ривожланишига тўсик бўлувчи яна бир муҳим жиҳат қурилиш материалларининг юқори нархларидир. Бу кўпроқ маҳсулотлар тўлиқ ёки уларнинг хомашёлари импорт қилиниши билан боғлиқ. Бундан англашладикки, маҳсулот тайёрлашда рақобатбардошлик уларга қўйилмаган энг юқори талабга айланиши мумкин.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, қурилиш соҳасининг ривожланиши бошқа йўналишдаги ислохотларда ҳам муҳим роль ўйнайди. Хусусан, қурилиш-монтаж ишларини бажариш, янги ишлаб чиқариш объектлари фаолиятини йўлга қўйиш, уларни реконструкция қилиш, моддий-техник базани замонавий талаблар асосида қайта қўриб чиқиш, янги иншоотларни қуриш ёки мавжудларнинг имкониятларини кенгайтириш бевосита қурилиш соҳасининг вазифаларидир. Бу иқтисодий тараққиётда ҳам ўз натижасини бермай қолмайди.

Дастурда белгиланган яна бир муҳим вазифа соҳиб қўриб олиш бўлиб, бундан фойдаланиб келинаётган эскирган қурилиш стандартлари, норма ва қоидаларни ўрнига бутун дунёда амал қилиб келинаётган еврокодлар тизимига ўтишдан иборат.

Бу тақлиф бир неча омиллар билан асосланган. Жумладан, мавжуд миллий стандартлар замон талаблари асосида ривожланиши, умуман, соҳа ривожига асос бўлади. Иккинчидан, айни пайтда еврокод нормалари ва қондасини ўзлаштирмасдан туриб, қурилиш соҳасининг жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлигини таъминлаб бўлмайди.

Албатта, мавжуд таъриб ва усуллари бир вақтнинг ўзида бартаф қилиб, еврокод тизимини жорий этиш назарда тутилмаган. Зеро, бу билан боғлиқ қатор вазифалар босқичма-босқич ҳал этилиши лозим.

Биринчидан, соҳага оид норматив-ҳуқуқий базани еврокод стандартлари асосида қайта қўриб чиқиш лозим. Бунинг учун миллий қонунчилик нормалари тўлиқ таҳлил қилинади ва муҳимлигига кўра сараланади. Бу орқали қандай бандлар ёки тўлиқ қонун ҳужжатларига ўзгартиш киритиш ёхуд янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш борада ягона тўхтамга келиш мумкин бўлади. Еврокод тизимига ўтган мамлакатлар таърибаси шунини кўрсатадики, мазкур жараён параллел ёки босқичма-босқич равишда амалга оширилади.

Иккинчидан, техник қайта жиҳозланиш масаласи эътибордан четда қолмаслиги зарур. Зеро, шу орқали техник барқарорлик ва замонавий талабларга мослашиш имконияти яратилади.

Учинчидан, мазкур соҳада янги мутахассислар оқими вуқудга келадиги, ўз вақтида айнан замонавий билимлар ва ёндашув соҳа ривожининг кафолатига айланади. Таъкидлаш зарурки, айни йўналишга эътиборни халқона тилда айтганда «бугундан қўймай» бошлаш зарур. Зеро, еврокод стандартлари юқори тезликдаги темирйўл, автомагистрал қуриш, энергия тежовчи ва бу билан самарадорлиқни оширишни таъминлаш мумкин бўлган соҳаларга тежорлик билан жорий қилиниши лозим.

Шу боисдан дастурда айнан қурилиш соҳаси ривожланиши истиқболларига мувофиқ етарли даражада маҳаллий мутахассисларни тайёрлашга эътибор қаратиш, мутахассисларнинг хорижий давлатларда малака оширишларини тизимли йўлга қўйиш масалалари илгари сурилмоқда.

Мазкур вазифалар ўз вақтида ва самарали ҳал этилиши натижасида дастурдаги бошқа қатор ташаббуслар амалга ошириш, жумладан, қишлоқ жойларда ҳам таъминланган, кўп болали оилалар уй-жой билан таъминланиши учун қўлай шaroитлар яратилади.

Хулоса қилиб айтганда, Хатамжон Кетмоновнинг Сайловдаги дастурида белгиланган вазифалар рўйбга чиқиши аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалиши, ижтимоий-маиший шарт-шaroитлар яхшиланиши ҳамда сифат жиҳатдан янги босқичга қўтарилишига хизмат қилади.

Рустам КОМИЛОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий
Кенгаши раиси ўринбосари.

ТАШҚИ ИШЛАР
ВАЗИРИ

АҚШ Давлат котиби
ёрдамчисининг
биринчи ўринбосарини
қабул қилди

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдуллатиф Комилов АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё масалалари бўйича ёрдамчисининг биринчи ўринбосари Уильям Тоддни қабул қилди. Бу ҳақда Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизмати хабар бермоқда.

Мулоқот давомида сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ва бошқа соҳалардаги икки томонлама алоқалар муҳокама қилинди. Шунингдек, халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда АҚШ элчиси Памела Леора Спратлен иштирок этди.

ЛАТВИЯНИНГ
CLEANTECH
LATVIA
НОДАВЛАТ
ТАШКИЛОТИ

Ўзбекистонда иш
бошлади

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Латвиянинг Cleantech Latvia нодавлат ташкилотини рўйхатдан ўтказди. Бу ҳақда вазирлик расмий веб-сайтида маълум қилинди.

Штаб-квартираси Ригада жойлашган ва 2006 йилда фаолиятини бошлаган мазкур ташкилот экологик тоза технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этишга иштирокчи бўлиб, Латвия биотехнологиялар ассоциацияси унинг тасвирини ҳисобланади. Европа минтақавий ривожланиш фонди ҳамда Латвия инвестициялар ва тараққиёт агентлиги томонидан молиялаштирилади.

Cleantech Latvia Ўзбекистон ва Евроиттифоқ ўртасида атраф-муҳитни муҳофаза қилиш, халқ ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида илгор «яшил» технологияларни жорий этиш борада ҳамкорликни ривожлантиришни режалаштирмоқда.

Ҳозирда Латвия нодавлат ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан биргаликда сув ресурсларини бошқариш, энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи ва муқобил энергетикани кенг жорий этиш каби йўналишларда қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқчи.

UZ ЗОНАСИДАГИ

доменлар сони
30 мингдан ошди

Статистикага кўра, 2016 йилнинг 29 ноябрь ҳолатига UZ зонасида 30 035 домен рўйхатдан ўтган. Бу ҳақда «Review.uz» хабар берган.

Жорий йилнинг бошида 25 368 домен қайд этилган эди. Жорий йилда энг кўп — 1 366 домен апрель ойида ҳисобга олинган.

«PRESS KLUB: Saylov.uz — 2016» ОЧИЛДИ

Пойтахтимиздаги «International Hotel Tashkent» меҳмонхонасида 30 ноябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича «Press klub: Saylov.uz — 2016» пресс-клубининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, сайловни кузатиш учун мамлакатимизга келган халқаро кузатувчилар, етакчи экспертлар, маҳаллий ва хорижий журналистлар иштирок этди.



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С.Сафоев, Ўшмон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухаликов, «UzReport» ахборот агентлиги бош директори Р.Жўраев ва бошқалар жорий йилнинг 4 декабрь кuni бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти

шaroитлар яратиш, интерфас медиа майдони барпо этиш ҳамда сайловга тайёргарлик қилиш ва ўтказиш жараёнини ёритишда ҳолислик, ошкоралик ва тежорликни таъминлаш, халқаро кузатувчилар, экспертлар ва медиа соҳа вакиллари мамлакатимизда эришилган ютуқлар билан таништириш мақсадида Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциацияси, «Uzbekistan Today» ахборот агентлиги, «Mening Yurtim», «Uzreport-TV» телеканаллари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида мамлакатимизда илк бор «Press klub: Saylov.uz — 2016» пресс-клуби ташкил этилди.

Пресс-клуб ўз мультимедиа майдонида хорижий ва миллий медиа соҳа вакиллари билан таништирилади. Бу ерда IT-технология, дизайн ва мультимедиа соҳасидаги энг сўнгги ютуқлардан фойдаланилган, юқори тезликдаги интернет ва Wi-Fi алоқаси, компьютерлар, принтерлар, телефонлар ва бошқа кўп функцияли қурилмалар ўрнатилган. Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси студиялари ва мамлакатимиздаги 10 худудий нодавлат телестудиялар билан онлайн боғлигани, алоҳида узатувчи телестанция ўрнатилган Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази билан бевосита онлайн алоқа йўлга қўйилган.

Сайлов кампаниясида иштирок этаётган миллий ва хорижий ОАВ вакиллари учун халқаро стандартларга мос қўлай инфратузилма ва

— Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказишнинг барча босқичлари ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш бўйича катта таърибга тўпланган, — дейди «Синьхуа» ахборот агентлиги мухбири Ша Дати (Хитой). — Бунга сайлов кампанияси давомида гувоҳ бўлмоқдамиз. Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссиялари томонидан матбуот анжуманлари ва брифинглар онлайн тарзда ташкил этилаётгани барча худудлардаги сайловчиларнинг фаоллиги ошишига, муҳим сиёсий таъбирга тайёргарлик жараёнидан тўлақонли хабардор бўлишга имконият яратмоқда. Мазкур пресс-клубнинг очилиши журналистларнинг Ўзбекистондаги муҳим сиёсий жараён ҳақида янада кенгрок ахборот олиши ва сайлов кампаниясини самарали ёритишга муҳим аҳамият касб этади.

Пресс-клубнинг самарали фаолият олиб бориши учун сиёсий партиялар, вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро кузатувчилар иштирокида брифинглар, матбуот анжуманлари ва туркум таъбирлар ташкил этилади.

Пресс-клуб дастуридан халқаро кузатувчилар ва хорижий ОАВ вакиллари Ўзбекистоннинг аънаваный маданияти ва санъати билан

таништиришга қаратилган маданий таъбирлар ҳам ўрин олган.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича асосий таъбирлар дастурида сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги диққатга сазовор, — дейди «The Daily Itihad» газетаси мухбири Муҳаммад Аббосхон (Покистон). — Бунга Самарқанд ва Бухоро вилоятларида сайловчилар билан ўтказилган учрашувларни кузатиш жараёнида гувоҳ бўлдим. Аксарият сайловчилар Президентликка номзодларнинг сайловолди дастурлари, улардаги устувор йўналишлардан яхши хабардор. Бу мамлакатимизда мазкур сиёсий жараёнга ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан пухта тайёргарлик қўрилганидан далолат беради.

Таъбирда мамлакатимизда сайловни ёритувчи оммавий ахборот воситаларининг замонавий асосда фаолият юритиши учун барча шароит яратилгани, бундай лойиҳалар хорижий кузатувчилар ва ОАВ вакиллари билан халқаро сайлов жараёни, шунингдек, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолияти билан таништиришда алоҳида аҳамият касб этиши қайд этилди.

М.ЭЛМУРОВОВ,
ЎЗА мухбири.

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁТАИЛАНД
ПАРЛАМЕНТИ

мамлакатнинг янги
қиролини эълон қилди

Парламентнинг махсус йиғилишида ворис қирол Маха Ва-чиралонгкорни Таиланднинг янги қироли, деб эълон қилинди. Бу ҳақда rbc.ru сайти хабар берди.

Хукумат бир-икки кун ичида янги қиролнинг лавозимини қабул қилишини кутади. Эслатиб ўтамиз, Таиланд қироли Пумипон Адулябет жорий йилнинг 13 октябры кuni 88 ёшида вафот этди. У Таиланд тарихида энг узок вақт — 1946 йилдан бунён тахтда ўтирган қирол бўлди. Унинг ўлимидан сўнг мамлакатда 30 кунлик мотам эълон қилинди.

АККУМУЛЯТОР

зарядсиз хизмат
кўрсатади

Бристоль университети мутахассислари минг йил давомида унчалик кучли бўлмаган қурилмаларни қувват билан таъминлай оладиган ядровий аккумулятор прототипини ишлаб чиқарди. Радиациялар ва зарарли моддалар зийни ногла тенг. Бу educationindex.ru сайтида маълум қилинди.



Ушбу аккумулятор ичига сунъий олмос ўрнатилган. У радиоактив майдонга жойлаштирилганда у қадар кучли бўлмаган электр токи ишлаб чиқаради.

Ядровий аккумуляторда ҳаракатланувчи унсурлар йўқ, уларга ишлаш жараёнида хизмат кўрсатиш лозим эмас. Батареялар радиоактив зарарли моддаларни чиқармайди ва атмосферага салбий таъсир кўрсатмайди. Радиоактив изотоплар сунъий олмослар ичида қабулланади. Шунинг ҳисобига тоза энергиянинг узок муддатли генерацияси таъминланади.

Ядровий аккумуляторларни учувчисиз қурилмалар, космик кемалар ва еттиш қийин бўлган жойлардаги бошқа жиҳозларда қўллаш мумкин.

ЭЪЛОН

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР
РАХБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши қуйидаги параметрларга эга бўлган компьютерлар сотиб олиш учун танлов эълон қилади:

1 донa сервер-компьютер — Intel 6800K 3.8 ГГц в режиме Turbo / M/B ASUS X99 micro-ATX with USB 3.1 on board / Crucial 16GB DDR4 (2400 MHz, PC4-19200) / HDD 1 TB SATAIII, SSD 480 GB / ASUS (BOX) DVD-RW SATAII / Комплект Keyboard-Mouse optical USB 2.0 / Lan 10/100/1000Mbps on board / Power supply 700 W / Монитор 21.5 LED;

30 донa компьютерлар — Компьютер Hewlett Packard Desktop PC HP MT 280G2 (Белая сборка); Intel® Core™ i3-6100 (3,7 ГГц, 3Mb) / SDRAM 4Gb DDR4-2133/ HDD 500 Gb SATAIII 7200 / DVD RW / VGA / LAN 10/100/1000 GbE / USB-Keyboard HP/USB HP Optical mouse/ Монитор HP 19.5 LED.

Танловда қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар ўз тақлифлари ҳамда ҳужжатларини 2016 йил 12 декабрга қадар қуйидаги манзилга тақдим этиши мумкин.

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони кўчаси, 5/3-й.

Телефон: (0-371) 239-18-49; 239-83-12; 239-15-74.

4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ КУНИ!

■ «Давлат ва фуқаролик жамияти институти ўртасидаги
ижтимоий шериклик амалиётини кенг ривожлантириш лозим».



ХАТАМЖОН КЕТМОНОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

■ «ҲАР БИРИМИЗ ЎЗ ОВОЗИМИЗГА ЭГАМИЗ!»

Бўрон отанинг ғайрати

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда сайлов қончилигини тақомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар самарасида сайловлар демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга мос равишда ўтказилаётган.

Бу жараёнда халқимизнинг миллий ҳаёт ва тафаккур тарзига мос ибратли анъаналар ҳам юзага келди. Бунинг учун сайлов участкаларида ўтказилаётган тарғибот тадбирларида ёши улуг отахон-онахонларнинг ўз маслаҳатлари ва ўғитлари билан фаол иштирок этаётганида ҳам кўриш мумкин.

Бу йил 4 декабрда ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловида Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида 70 минг 465 фуқаронинг овоз бериши кутилмоқда. Уларнинг 2 минг 150 нафари тумандаги 2-сайлов участкасида рўйхатга олинган.

— Сайлов участкасида рўйхатга олинган аҳоли орасида ёши улуг отахон-онахонлар кўп, — дейди участка сайлов комиссияси раиси Ҳамро Расулов. — Мухим сиёсий тадбир арафасида ташкил этилаётган учрашув, давра суҳбати ва бошқа тадбирларда нурунийларимиз ёшларга ўрнак бўлмоқда, уларга юртимиздаги ўзгаришлар ва янгиланишларнинг

қадрига етиш, эл-юртга наф келтириш, 4 декабрда ўтадиган муҳим сиёсий тадбирда фаол иштирок этиш юзасидан насихатлар қилишмоқда.

Бойсун туманидаги 4-умумтаълим мактаби биносидан жойлашган сайлов участкасига борганимизда, «Бизнинг оиламизда ҳар биримиз ўз овозимизга эгамиз!» мавзусидаги давра суҳбати ўтдан чиқиб қолди. Чорчинор маҳалласининг бир гуруҳ ёши улуг отахонлари ҳам шу ерда экан.

Таълим фахрийси, «Шухрат» медали соҳиби Бўрон ота Абдуллаев суҳбат чоғида тийрак фикрлари, ўткир хотираси билан ҳавасимизни келтирди. Отахоннинг айтишича, бунга сабаб — вақтли матбуотни доимий кузатиб боришда. Бу ерга ҳам марказий ва вилоят газеталаридан бир нечасини олиб келибди. У шу кунларда эълон қилинган сайловга оид мақолалардан мисоллар келтирди.

Давра яна ҳам жонланиб кетди. — Ҳа, ростдан ҳам бу сайлов эртанги ҳаётимиз учун катта аҳамиятга эга. Тўй-ҳашамда ҳам, оила даврасида ҳам фақат шу ҳақда гуруҳ қўйилмоқда...

— Менинг қизим 18 ёшда. У сайловда биринчи марта қатнашаётганидан хурсанд. Сайловга таклифномасини кўрсатиб, суюнчи ҳам олди...

— Кўзи охишларга махсус алифбода сайлов варақалари тайёрлангани кўп яхши иш бўлибди-да...

— Савобга қолгурлар сайлов участкаларида она ва бола хоналари ташкил қилишибди. Ёш боласи бор келинларимиз ҳам энди бемалол овоз бергани келаверади-да.

Бири-бирига гап бермай баҳс-мунозарага киришган ёши улугларни тинглаб, тадбир қандай низога етганини ҳам билмай қўлибмиз. Иштирокчиларнинг миллий сайлов қончилигини, ҳусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловида оид тушунчаси, билимлари ва дунёқараши ғоят юқори эканини ўз кўзимиз билан кўриб, хурсанд бўлдик.

Чорчинорлик отахонлар уй-уйига кетишга тараддуллана бошлади. Бўрон ота котиба қизга юзланиб, алоҳида тайинлади: — Қизим, сайлов кўни ёшимни пеш қилиб, уйимга кути кўтариб бориб овоз беришга, ўзим бола-чақага бош бўлиб келаман.

Унинг сўзларини тенгдош жўралари ҳам тасдиқлади.

Малоҳат ХУСАНОВА,
ЎЗА муҳбири.

■ РЕКЛАМА

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ
1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

Газетанинг навбатдаги сони 6 декабрь, сешанба кўни чиқади.

■ ОГОҲ БЎЛАЙЛИК

Хавфсизлик қоидаларига амал қилинг

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига беписанд қараш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Шундай экан, ҳар киши ўз уйида, хизмат қилаётган ташкилот ёки корхонада ёнғин хавфсизлиги талабларига қатъий риоя этиши зарур.

Корхоналар ва ташкилотларда ёнғин муҳофазасини таъминлашнинг ёнғинга қарши ҳолатини таъминлаш ўшбу идораларнинг раҳбарларига юклатилади. Улар ҳар бир ишлаб чиқариш бўлими учун бўйруқ билан жавобгар шахсни белгилаши ва уларнинг ишини назорат қилиб боришлари шарт.

Корхона ва ташкилотларнинг маъмурий-техник ҳо-димлари ўзларига тегишли объектларни қуриш ҳамда улардан фойдаланиш даврида ёнғинга қарши барча тадбирлар тўлиқ амалга оширилишини таъминлашлари зарур.

Умуман олганда, асосий эътибор ишлаб чиқаришда иложи борица ёнмайдиغان ва

қийин ёнайдиган материаллардан фойдаланиш керак. Технологик жараёнларни максимал даражада механизациялаш ва автоматлаштириш лозим. Бино ҳавосининг таркибидagi ёнғувчи газ, буғ ва чанглар миқдорини рухсат этилган даражада саклаш, иситиш жиҳозларидан тўғри фойдаланиш лозим.

Шунингдек, ишлаб чиқаришда техник воситалардан фойдаланиш қоидаларига тўлиқ риоя этиш, материаллар ва моддаларнинг иссиқлик таъсирида, химиявий ёки микробиологик усулда ўз-ўзидан алангаланаш шароит-

ларини бартараф этиш даркор. Бино атрофини доимий равишда тозалаш туриш ҳам муҳим чора-тадбирлардан ҳисобланади.

Бу каби масалаларга бепарво ва лоқайд бўлмайлик. Зеро, бу тадбирлар қўтилмаган мулкий йўқотишлар ёки турли моддий зарарлар ҳамда инсонга етказиладиган бошқа зиёнларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Комронбек ЖўРАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
Ёнғин хавфсизлиги
бошқармаси
23-ХЕҲК смена бошлиғи.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va

shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1259

8935

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21:20

Topshirilgan vaqti — 22:40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:


Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5